ОНЛАЙН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

Тошкент – 2024 йил

Лойиҳанинг мақсади:

Хизматлар кўрсатиш соҳасида Онлайн таълим хизматларини кўрсатувчи лойиҳани ташкил этиш орқали аҳолини янги замонавий касб турларига ўқитиш, бизнесларни автоматлаштириш, хориждан инвестиция жалб қилиш учун муҳим соҳалардан бири ҳисобланади.

Савдо бозорининг мақсади ва баҳосининг хусусиятлари:

- ушбу бизнес йўналишини танлаш, ушбу бозор сегментини бизнинг минтақамизда нисбатан кам рақобатга эга бозор сифатида тавсифлаш мумкинлиги билан боғлиқ;

- барқарор ривожланмоқда ҳамда юқори даромадли ҳисобланади.

Бизнеснинг қуйидаги хатарлари мавжуд:

1) форс-мажор ҳолатлари (турли хилдаги бахтсиз, техноген фалокатлар ва бошқалар);

2) Интернет тармоғини узилиши;

3) Ёзда мактаб ва талабаларга дам олиш вақтида ўқиш курсларига талаб камайиши;

4) Асбоб-ускуналарга турли хилдаги вирусларнинг тушиши оқибатида керакли дастурларнинг маълумотлар базасидан йўқолиши;

5) Рақобат кучайганлиги сабабли сотишнинг пасайиши.

Хавфли вазиятларни ҳал қилиш ва олдини олиш:

1. Контрак пулларини ўз вақтида тўлаган талабаларга кейинги ўқув йили учун 10 фоиз миқдорида чегирма бериш.

2. Ёз ойларида талабалар томонидан янги бошланадиган ўқув йили учун контрактларини тўлов қилса, у ҳолда раҳбарият томонидан талабаларга 15 фоиз миқдорида чегирмалар бериш.

3. Рақобат кучайган вақтда, талабаларни хорижда ўқиши, таълим олийши учун Олийгоҳ томонидан грантлар ажратиш

ЛОЙИҲА ТУРЛАРИ

Лойиҳани амалга ошириш учун икки хил усулда иш бошлаш таклиф этилади:

1. Бино иншоот сотиб олиш, қуриш.

2. Бино иншоот ижара асосида

1. Юқорида кўрсатиб ўтилган усулдан 1 (бино иншоот сотиб олиш, қуриш) йўналиш бўйича дастлабки ишларни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

2. Онлайн таълим тизими (институти) марказини ташкил этиш учун бино иншотлар тадбиркор томонидан қурилади ҳамда жиҳозланади.

Онлайн таълим тизими (институти) кейинги ўринларда маркази деб юритилади.

Мазкур Онлайн таълим марказини ташкил этишда тадбиркор ишни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширишни маслаҳат берамиз.

1. Таълим даргоҳини қуриш учун мақбул жой танлаш;

2. Ерни сотиб олиш ёки ҳудудий ҳокимликдан узоқ муддатга ижара асосида олиш бўйича келишувларни амалга ошириш;

3. Харажатлар ва даромадлар режасини бўйича бизнес стратегиясини ишлаб чиқиш;

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясининг тегишли хулоса ва лицензиясини олиш;

5. Қурилиш билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш;

6. Ускуналарни сотиб олиш учун ишончли таъминотчи топиш;

7. Марказни реклама қилиш учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

8. Қабул квоталарини режалаштириш;

9. Ўқув дастурини ишлаб чиқиш;

10. Ҳодимларни олдиндан тайёрлаб қўйиш ёки ишончли ходим топиб берадиган рекруитер ташкилотларига мурожаат қилиш;

Шунингдек, қуйидаги Потенциал талабга таъсир этувчи омилларни кўзда тутиш бизнесни ривожланишига сабаб бўлади.

- ҳудудда таклифнинг талабдан кам бўлиши (хизмат кўрсатиш дефицити) – яъни таклифнинг ҳаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, мижозларнинг дефицитга айланган хизматга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади;

- мижозлар (жисмоний ва юридик шахслар) оқими даражаси – яъни мижозларнинг оқимининг ошиб бориши хизмат харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча камайиши потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади;

- ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир килади;

- рақобатбардошликни таҳлил қилиш ва рақобат сиёсатини аниқлаш;

- ташкил қилинаётган ҳудуддаги аҳоли сони (улардан 18-40 ёшгача бўлганини), тадбиркорлик субъектлари сони, йирик корхона ва ташкилотлари сони, давлат ташкилотлари, банк, микромолия ва ломбардлар ҳамда ташкил қилинаётган хизмат тури бўйича фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар бўйича ўрганиб чиқиш тавсия этилади (маълумотлар stat.uz, cbu.uz, edu.uz сайтларида мавжуд).

Онлайн таълим марказини ташкил этиш учун бино энг камида 2 қаватдан ва унинг майдони 320 м^2 майдон зарур бўлади. Бунда 6 та иш хонасидан, 1 та регистрация ҳамда мижозлар кутиш хонасидан, 1 та кичик алоҳида суҳбатлашадиган хонадан иборат бўлади. Ушбу марказда талабга қараб ўқитувчилар ишга олинади. Ўртача 19 та янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳанинг қурилишига 750 млн.сўм ҳамда жиҳозлашга 450 млн.сўм ҳамда мобил иловани ишлаб чиқиш учун ўртача 100 млн сўм ҳамда тадбиркорликни аукционда ёки у бу жисмоний ва юридик шахсдан сотиб олиш учун ўртача ҳар бир сотихи учун 20 минг доллар бўлиб энг камида 12 сотих ер майдони олиш зарур ва бунга 240 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағлар талаб қилиниб жами жами **4 100 млн.сўм** режалаштирилган.

Шу билан бир қаторда офис тайёр офис сотиб олиш нархи маълумот учун Тошкент шаҳрида ўртача **300-350 минг АҚШ** долларини (жиҳозларсиз) ташкил қилади.

Ушбу марказ жиҳозлари учун қуйидагиларни харид қилиш лозим ва юқорида кўрсатилган **450,0 млн.сўм** маблағ ушбу мақсадлар учун ишлатилади:

1. Компьютер 18 дона-ҳар бирининг нархи ўртача 8 млн.сўм-жами 144 млн.сўм

2. Принтер 6 та шундан 4 та 3*1 ва 2 та ранглик принтер-ўртача нархи 5 млн сўм атрофида. Жами кетадиган маблағ миқдори 30 млн.сўм атрофида.

3. Стол стул, шкаф, юмшоқ мебел ва бошқа жиҳозлар учун 142 млн.сўм

4. Кондиционер 6 дона 12 талик ҳар бирининг ўртача нархи 6 млн сўмдан 2 та 24 талик 14 млн сўмдан 28 млн сўм Жами 64 млн.сўм.

5. Йиллик канцелария маҳсулотлари, интернет, маиший буюмлар, гул, камера ва бошқа маҳсулотлар учун 70 млн.сўм пул маблағлари талаб этилади.

2. Бино иншоот ижара асосида, Таълим марказини ташкил этиш учун жой тадбиркор томонидан ижарага олинади ҳамда жиҳозланади. Ушбу йўналиш дастлабгисига қараганда анча кам маблағ талаб этади ҳамда жойлашувни ўзгартириш учун имконият яратади.

Марказни ташкил этишда тадбиркор ишни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширишни маслаҳат берамиз.

1. Таълим даргоҳини қуриш учун мақбул жой танлаш;

2. Ерни сотиб олиш ёки ҳудудий ҳокимликдан узоқ муддатга ижара асосида олиш бўйича келишувларни амалга ошириш;

3. Харажатлар ва даромадлар режасини бўйича бизнес стратегиясини ишлаб чиқиш;

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясининг тегишли хулоса ва лицензиясини олиш;

5. Қурилиш билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш;

6. Ускуналарни сотиб олиш учун ишончли таъминотчи топиш;

7. Марказни реклама қилиш учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

8. Қабул квоталарини режалаштириш;

9. Ўқув дастурини ишлаб чиқиш;

10. Ходимларни олдиндан тайёрлаб қўйиш ёки ишончли ходим топиб берадиган рекруитер ташкилотларига мурожаат қилиш;

Онлайн таълим марказини ташкил этиш учун бино энг камида 2 қаватдан ва унинг майдони 320 м^2 майдон зарур бўлади. Бунда 6 та иш хонасидан, 1 та регистрация ҳамда мижозлар кутиш хонасидан, 1 та кичик алоҳида суҳбатлашадиган хонадан иборат бўлади.

Ушбу марказда талабга қараб ўқитувчилар ишга олинади. Ўртача 19 та

янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳа ижара асосида амалга оширилаётганлиги сабабли унинг қурилиши учун маблағ зарур эмас, фақатгина ижарага олинаётган жойнинг реконструкцияси учун 150 млн.сўм ҳамда жиҳозлашига 350 млн.сўм ва мобил иловани яратиш учун 100 млн.сўм пул маблағлари сарф этилиши режалаштирилган.

Ушбу марказ жиҳозлари учун қуйидагиларни харид қилиш лозим ва юқорида кўрсатилган 350 млн.сўм маблағ ушбу мақсадлар учун ишлатилади:

6. Компьютер 15 дона-ҳар бирининг нархи ўртача 8 млн.сўм-жами 120 млн.сўм$

7. Принтер 6 та шундан 4 та 3*1 ва 2 та ранглик принтер-ўртача нархи 5 млн сўм, жами кетадиган маблағ миқдори 30 млн.сўм атрофида;

8. Стол стул, шкаф, юмшоқ мебел ва бошқа жиҳозлар учун 120 млн.сўм;

9. Кондиционер 6 дона ҳар бирининг ўртача нархи 5 млн сўм атрофида;

10. Йиллик канцелария маҳсулотлари, маиший буюмлар, гул, камера ва бошқа маҳсулотлар учун 40 млн.сўм;

11. Йиллик ижара харажатлар(ўртача бир ойлик учун 22 млн сўм атрофида) 264 млн сўм пул маблағлари талаб этилади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖ

Ушбу лойиҳанинг ишчи кучига ва ходимларга бўлган талаби 18 кишини ташкил қилади. Ишчиларининг иш вақти режимлик тартибда ташкил этилади.

Чунки бу онлайн таълим маркази нафақат талабаларни кундузги бўлимда балки кечки вақтда дарслари ташкил этилиб ўқитилади.

МАРКАЗНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

Марказни рўйхатдан ўтказиш учун сиз ҳуқуқий шаклни, тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар билан танишишингиз керак. Ҳужжатларни расмийлаштириш “Давлат Хизматлари Маркази” томонидан расмийлаштирилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ

Онлайн таълим марказ (институти) мактаб битирувчилари ва Олий таълимда ўқишни истаган инсонлар учун қуйидаги хизматлар амалга оширилади:

Таълим икки сменада ташкил этилади:

- **Эрталабки** бу ўз навбатида соат 8:30 дан бошланиб 13:30 гача;
- **Пешин** вақтдаги бу ўз навбатидан 14:00 дан бошланиб, 19:00 гача давом этади.

Ушбу марказда хизмат кўрсатиш ўртача нархи қуйидагича белгиланади:

сўмда

№	Таълим йўналиши	Қабул квота сони-йиллик	Бир йиллик контракт нархи-бир талаба учун	Жами сумма
1	Амалий математика	50 та	6 000 000	300 000 000
2	Менеджмент ва маркетинг	50	7 000 000	350 000 000
3	Дастурлаш ва ахборот хавфсизлиги	70	7 000 000	490 000 000
4	Мактаб ва мактабгача таълим	60	6 000 000	360 000 000
5	Халқаро молия ва бухгалетерия	50	7 000 000	350 000 000
6	Банк ва кредит	50	7 000 000	350 000 000
Жами		**330**		**2 200 000 000**

МАРКАЗ ХАРАЖАТЛАРИ

Штат жадвали

сўмда

№	Лавозими	Сони	Битта штат ойлик маоши (оклад+KPI)	Жами 1-йил ойлик маош

1	Юрист	1	4 000 000+KPI	48 000 000+KPI
2	Бухгалтерия, маркетинг, бўйича ходим	1	5 000 000+KPI	60 000 000+KPI
3	Ўқитувчи	12	5 000 000+KPI	720 000 000+KPI
4	Директор	1	5 000 000+KPI	60 000 000+KPI
5	Дастурчи	2	8 000 000+KPI	192 000 000+KPI
6	Ресепш	1	3 000 000+KPI	36 000 000+KPI
7	Тозаловчи	1	3 000 000+KPI	36 000 000+KPI
	ЖАМИ	**19**	**34 000 000**+KPI	**1 152 000 000**+KPI

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ I ШАКЛ УЧУН

сўмда

ЛОЙИҲАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚИЙМАТИ			
Номи	**Ўз маблағи**	**Кредит маблағи**	**Жами**
Марказни ташкил этиш	3 750 000 000	350 000 000	4 100 000 000
Лойиҳанинг умумий қиймати	**91,4%**	**8,6%**	**100%**

Молиялаштириш объектлари		
Бино қурилиши учун	**750 000 000**	**1 300 000 000**
Жиҳозлаш ва мобил иловага	**450 000 000**	
Мобил илова яратиш учун	**100 000 000**	

СОФ ТУШУМ ВА СОФ ФОЙДА

сўмда

Номланиши	**1- йил**	**2- йил**	**3-йил**	**4-йил**	**5-йил**
Хизматлардан тушган тушумлар	2 200 000 000	2 200 000 000	2 200 000 000	2 200 000 000	2 200 000 000
Коммуникация	60 000 000	60 000 000	60 000 000	60 000 000	60 000 000

харажатлари (вайфай, электр, сув ва бошқа)					
Маош харажатлари	1 152 000 000	1 152 000 000	1 152 000 000	1 152 000 000	1 152 000 000
Реклама харажатлари	50 000 000	50 000 000	50 000 000	50 000 000	50 000 000
Кўзда тутилмаган бошқа ҳаражатлар	150 000 000	150 000 000	150 000 000	150 000 000	150 000 000
Кредит тўловлари	49 000 000	132 500 000	124 250 000	112 000 000	99 750 000
Солиққа қадар тушган даромад	739 000 000	652 500 000	663 500 000	676 000 000	688 250 000
Фойда солиғи 12%	88 680 000	78 300 000	79 620 000	81 120 000	82 590 000
Сой фойда	**650 320 000**	**574 200 000**	**583 880 000**	**594 880 000**	**605 660 000**

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ II ТУР УЧУН

сўмда

ЛОЙИҲАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚИЙМАТИ			
	Ўз маблағи	**Кредит маблағи**	**Жами**
Марказни ташкил этиш	425 000 000	175 000 000	600 000 000
Лойиҳанинг умумий қиймати	**70,8%**	**29,2%**	**100%**

сўмда

Молиялаштириш объектлари		
Бинони марказга мослаштириш	**150 000 000**	**600 000 000**
Жиҳозлаш ва Мобил илова учун	**450 000 000**	

СОФ ТУШУМ ВА СОФ ФОЙДА

сўмда

Номланиши	**1- йил**	**2- йил**	**3-йил**	**4-йил**	**5-йил**

Хизматлардан тушган тушумлар	2 200 000 000	2 200 000 000	2 200 000 000	2 200 000 000	2 200 000 000
Коммуникация харажатлари (вайфай, электр, сув ва бошқа)	60 000 000	60 000 000	60 000 000	60 000 000	60 000 000
Ижара харажатлари	264 000 000	264 000 000	264 000 000	264 000 000	264 000 000
Маош харажатлари	1 152 000 000	1 152000 000	1 152000 000	1 152000 000	1 152000 000
Реклама харажатлари	50 000 000	50 000 000	50 000 000	50 000 000	50 000 000
Бошқа ҳаражатлар	150 000 000	150 000 000	150 000 000	150 000 000	150 000 000
Кредит тўловлари	60 000 000	60 000 000	60 000 000	60 000 000	60 000 000
Солиққа қадар тушган даромад	464 000 000	464 000 000	464 000 000	464 000 000	464 000 000
Фойда солиғи 12%	55 680 000	55 680 000	55 680 000	55 680 000	55 680 000
Сой фойда	**408 320 000**	**408 320 000**	**408 320 000**	**408 320 000**	**408 320 000**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фақатгина онлайн таълим хизмат кўрсатувчи институт мавжуд эмас, балки институтларнинг таркибида онлайн тизим мавжуд.

Шунингдек, ўқитувчи ўқувчиларга дасрни ўз уйида институт томонидан ишлаб чиқилган онлайн платформа орқали даср ўтилади. Дарс якунида талабалар ўқитувчига дарснинг сифати бўйича баҳо қўйишади.